

“НАМАНГАННИНГ ФИДОКОР ФАРЗАНДИ: ФАЙЗУЛЛА ЙЎЛДОШЕВ”

Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи

илмий ходими **Йигиталийева Широной**



Файзулла Йўлдошев

Ҳар бир инсон тақдири — ўзига хос тарих ва ўзига хос сабоқдир. Айниқса, бу тарих Ватан тақдири билан боғланиб кетган бўлса, у фақат бир оила ёки шахснинг эмас, балки бутун халқнинг маънавий меросига айланади.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони Файзулла Йўлдошевнинг ҳаёт йўли ана шундай улуғ ва ибратли тақдирлардан биридир.

Унинг ўз қўли билан ёзиб қолдирган таржимаи ҳоли ва фронт хотиралари орқали биз нафақат бир жангчининг ҳаётини, балки оғир болалик ва етимлик орқали тобланган ирода, меҳнат ва Ватан учун жон фидо қилиш руҳини кўрамиз.

Ота-онасини эрта йўқотиб, болаликдан меҳнат оғирлигини тортган, етимхона ва мактабларда илм олиб, ўқитувчиликдан фронтга йўл олган Файзулла Йўлдошевнинг ҳаёти — инсон иродаси, сабр-тоқат ва ватанпарварликнинг ёрқин намунасидир.

Ҳозирда унинг портрети Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи хотира бўлимида 197901\12 КР да сақланади. Бу портретни муаллифи Мухтаров Аюб . портретни ўлчами 70\50 . Матрjali мато ва мойбўёқ . Жанри портрет. Чизилган йили 2023-йил . Унинг хотиралари содда сўзлар билан ёзилган бўлса-да, ҳар бир жумла ортида оғир дард, қаттиқ кураш ва юксак жасорат мужассам.

Бу хотиралар орқали биз нафақат Иккинчи Жаҳон уруши сахналари, балки инсон руҳининг қандай қилиб синовлар орасида чиниққанини ҳам ҳис қиламиз.

Ҳар бир кишининг ўз тарихи, бошидан кечирганлари бўлади. Совет Иттифоқи Қаҳрамони Файзулла Йўлдошевнинг ўз қўли билан ёзган таржимаи ҳолида ва Ватан учун қилган жанговар ишлари эсдалигида жуда ҳам аниқ, жуда содда қилиб кўрсатилган. У ўзининг кечмишларини қуйидагича баён қилган.



“...Мен 1912 йилда Жанубий Қозоғистон областининг Туркистон шаҳрида туғилдим. Отам Йўлдош Бобоев мен туғилган пайтда Туркистондаги энг катта ер эгасининг қўлида батрак бўлиб ишлаган. Шунини ҳам қўшиб қўяйки, отам бечора камбағал бўлгани учун 35 ёшигача ҳам ўйланмаган. Онам Шаҳрибону Холматова ҳам камбағал деҳқоннинг қизи бўлган экан. Мен уларнинг тўнғич фарзанди бўлиб, мендан кейин яна бир қиз дунёга куелган. Оиламизнинг турмуши ниҳоятда оғир эди.

Ана шундай оғир турмуш кечириш натижасида, тахминан 30 яшар вақтида онам дунёдан ўтди. Мен уша вақтда 8 яшар бола эдим.

1925 йилда отам Туркистондаги пахта заводида қора ишчи, ундан сўнг бир идорада қоровул, отбоқар бўлиб юриб, оғир касалликдан сўнг дунёдан ўтди. Мен 10 ёшимдан бошлаб қишлоқдаги бир новвойхонада шогирд – дастёр бўлиб ишлай бошладим. Новвойхонада топган битта – яримта нонни синглим билан баҳам кўриб кун ўтказардик. Синглимни бир одам ўз тарбиясига олди, мен 12 ёшимгача шу новвойхонада ишладим. Менинг ётар – турар жойим ҳам шу новвойхона эди.

Кейинроқ етим – есирлар учун очилган мактабга ўқишга кирдим. Доимо биринчи сафларда бўлдим. 1929 йилда Тошкентдаги Эркаклар билим юртига кирдим.

1933 йилда билим юртини тамомлаб Қашқадарё вилояти Яккабоғ районунига ишга бордим. Ватан уруши бошлангунига қадар ўқитувчилик қилдим.

1942 йилнинг июн ойида ҳарбий хизматга чақирилдим.



Мен бир неча тенгқурларим билан бирга июн ойининг охирида Н шаҳридаги запас полкка бориб тушдим. Взвод командирига ёрдамчи қилиб тайинлашди. У ерда бир неча кун бўлиб, сунгра Саратовдаги пулемётчилар тайёрлайдиган мактабга ўқишга кирдим. Қисқа муддатли курсни муваффақият билан тамомлаб, фронтга жунадик. Бу вақтда менга сержант унвони берилган эди.

1942 йилнинг кузида қисм билан Дон дарёсига чиқиб бордик. Бу йўлларнинг ҳаммасини пиёда босиб ўтдик. Шу вақтда Сталинградда қаттиқ жанглар борар эди. Шаҳарда фашистлар қуршаб олинган эди. Қисмимизга қуршовда қолган душман қўшинларига ёрдамга келаётган қўшимча кучларнинг шаҳарга киришига йўл қўймай, уларни тор – мор қилиш вазифаси буюрилган эди.

Биз 1942 йилнинг 18 – декабр куни белгиланган жойга келиб, танкчилар қисмига қўшилдик. Шу куни кечаси Миллерова шаҳри атрофида жангга кирдик. Бу вақтда мен пулемётчининг ёрдамчиси эдим. Бир ярим кунлик шиддатли жанглар вақтида ўнг қўлимдан яраландим. Госпиталда даволаниб, 1 – Украина фронтидаги пиёда аскарлар полкига бордим. Бу полк Курск бўсағасида мудофаада турар эди.

Полк душманга қақшатқич зарба бериш учун жуда катта тайёргарлик қўриш билан бирга, душман томонидан қилинган ҳужумларни қайтариб ҳам турар эди.

1943 йил 31 июлда ҳужумга ўтиш тўғрисида қумондонликдан буйруқ олдик. (Уша кунларда мен бўлинма командири эдим). Полк шиддатли ҳужум билан бир тепаликка яқин келганида душман тепаликдан туриб ўққа тутди. Икки ўртада қаттиқ жанг бошланиб кетди. Бир кечаю – бир кўндуз давом этган қонли жанглардан сунг душман жанг майдонида юзларча мурда қолдириб, Иваново – Городишча қишлоғидан чекинишга мажбур бўлди. Бу жангда бизнинг взвод алоҳида ўртак ва маҳорат кўрсатди, бошқа жангчилар қаторида мен ҳам “Жасурлик медали” билан мукофотландим.



Қисмимиз чекинаётган гитлерчи газандаларни изма – из қувиб бориб, бир ой ичида жанглар билан юзларча километр узоқликдаги Старосельский қишлоғига етиб келди. Қишлоқ ўрмон ёқасига жойлашган бўлиб, душман томонидан бутунлай ёндирилган, қишлоқда биронта ҳам одам йўқ эди.

Жангчиларнинг бу қишлоққа келиб ўрнашганидан хабар топган душман ҳаводан ва қирғоқ бўйида турган артиллериясидан тинмай ўққа тута бошлади.

Қоронғи тушиши билан командирнинг буйруғини олдик. Буйруқда кўрсатилишича, мени бўлинмам Днепр дарёсидан кечиб ўтиб Киевдан 18 – 20 километр шимолроқдаги дача ёнидан плацдарм эгаллаб уни бутун куч билан сақлаши, бошқа жангчиларнинг Днепрдан ўтишини таъминлаб туриши керак эди.

Гитлерчилар Днепр дарёсининг ўнг қирғоғида ниҳоятда мустаҳкамланиб олишган эди. Улар ўз окопларини пишиқ ғиштлар билан мустаҳкамлаган, ўт очиш нуқталари ҳам жуда пухта ва яширин эди.

Ўзим дарёнинг юқори томонига юриб, дарё қирғоғидан синиб яроқсиз бўлиб ётган эски қайиқни топиб келдим. Пастки томонга кетганлар эса тахминан юз эллик метрча сим топиб келишди. Топилган нарсаларни окопга олиб келиб, кун бўйи бош кўтармай михсиз, сим, латта (бинт), плаш – палаткадан фойдаланиб қайиқни тузатдик. Натижада уч киши сиғадиган қайиқча қилдик. Қоронғи тушиши билан уч киши симнинг бир учини қирғоқда бир қозиққа боғлаб, бир учидан ушлаб, дарё ўртасидаги оролгача ўтишга ҳозирлик кўрдик. Зим – зиё қоронғи дарёга тушдик. Қайиқда сўзиш учун эшкак йўқлиги сабабли овқат ейдиган котелокдан фойдаландик. Бахтимизга биз бир томондан ушлаб олиб кетган сим оролчача бўлган масофага етди. Симнинг учини оролчадаги бир дарахтга боғлаб қўйдик. Мен ва бир солдат оролчада қолдик, бир солдат қайиқ билан қирғоқдаги ўртоқларимиз олдига қайтди. Шунини айтиш керак – ки, биз ҳаракат қилаётган вақтларда душман ракеталар отиб, ҳамма ёқни ёритар, тинмай ўқ отиб турарди. Бунинг устига дарёнинг биз ўтаётган жойи ниҳоятда тез оқар ва чуқур эди. Қайиғимиз чайқалиб – чайқалиб борар эди.



Биз оролада қолиб жой кидира бошдадик.Шу орада қолган шерикларимиз ҳам сихат-саломат ёнимизга келиб қўшилди.Тонг ёриша бошлади.31 август кунини оролда бекинган холда ўтказдик.Қоронги тушиши биланоқ уч кишидан бўлиб,икки группага бўлиниб,биринчи марта мен бошлиқ группа Днепрнинг ўнг қирғоғига қараб ўта бошладик. Биринчи сентябрга ўтар кечаси ҳаммамиз қирғоққа ўтиб олдик.Дарё қирғоғи сувдан 120-150 метр узокликда бўлиб,оралиқ қум ва зах еди.Дарахтлар тагида душман автоматчилари, пулемёт позициялари жойлаган экан.Биз сувдан чиқиб оқ қум ичида окоп қазий бошладик.Шу орада орқамиздан яна уч киши сувдан ўтди.Тонг отгунча бир нечта окоп қазиб қўйдик.Кўпроқ окоп қазидан мақсад тонг ёришганда,душманга ўзимизнинг озчилик эканимизни сездирмаслик эди.

Биздан кейин дарёдан ўтган ўртоқларимизнинг айтишича,оролга яна бир бўлинма ўтибди. Бу хабар бизнинг жанговар рўхимизни кўтарилишига, кучларимизнинг ортишига мадад бўлди. Тонг отиши билан гитлерчилар хужумга ўтди. Биз уларни ўзимизга яқинлаштириб, ўққа тутдик. Қутурган душман катта талафот кўришига қарамай, ўз мурдалари устидан босиб ўтиб, ҳамон олдинга ташланарди. Фашистларнинг орқа томонидан мадад кучлар келадиган йўлни оролдаги ва чап қирғоқдаги кучларимиз ўққа тутиб турарди. Душманнинг шу кун

уч марта кутуриб қилган ҳужумини қайтарган бўлсакда, аммо тепамиздан келган душман самолётлари бирмунча талафот етказди.

Жангчиларнинг қақшатқич зарбасига учраган душман энди бизни қумлар ичига кориштириб, оролдаги мадад кучларимизни дарёга улоқтириб ташлаш мақсадида устимизга мина ёғдира бошлади. Мина парчасидан мен ҳам чап оёғимдан қаттиқ ярадор бўлдим. Марказда тўрган пулемётчиларимиздан бири ҳалок бўлди, бири қаттиқ яраланди. Мен ярадор бўлишимга қарамай дарҳол пулемёт ёнига бордим ва гитлерчиларга томон ўт оча бошладим. Атрофимизда ыичыириб келаётган душман солдатларидан 20 – 25 киши окопларимизга яқинлашиб қолганда уларнинг устига бирин – кетин икки граната ирғитишимдаёқ бир нечтаси ер тишлаб қолди.



Орқадаги кучларимиз қоронғи тушгунча бизнинг устимиздан ошириб ўқ узиб, душманнинг ҳужумга ўтишига имкон бермай турди. Қоронғи тушиши биланок, дарёдан ўтиб олган кучларимиз ҳам бизга келиб қўшилди. Улар келиши биланок оғир ярадорларни, шу жумладан мени ҳам оролга олиб ўтдилар ва у ерда тиббий ёрдам кўрсатишди.

Шу орада рота командири Почучуев менинг оғир аҳволимни кўриб, бўйнимдан кучоқлаб, юзларимдан ўпди. Командирнинг дарёдан кечиб ўтиб, плацдарм эгаллаш ва полк аскарлари дарёдан ўтгунга қадар душман солдатларини дарё қирғоғига яқинлаштирмаслик тўғрисидаги буйруғини шараф билан бажарганимиз учун ташаккур билдирди.

Ярадорларни чап қирғоққа олиб ўтдилар ва у ердан Чернигов шаҳридаги госпиталга жунатдилар. Мендан жуда кўп қон кетганлиги сабабли госпиталда аҳволим ёмонлашди. Оператсия қилиб, жароҳатларимни тузата бошладилар. Шундай бўлса ҳам, узоқ вақт ётиб қолишга тўғри келди.

1943 йил 6-ноябрь кечкурун мен учун айниқса ҳаяжонли бўлди. Аъзойи баданим зирқираб каравотда ётганимда Нина исмли ҳамшира билан навбатчи врач қўлларида “Правда” газетасини ушлаган ҳолда ёнимга келдилар ва немис – фашист босқинчиларига қарши курашда, мардлик ва матонат кўрсатган жангчи ва офицерлар қаторида менга ҳам Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилганини ўқиб эшиттирдилар ва мени бу юксак мукофот билан табрикладилар.



Қалбим қувончга тўлиб турган бир пайтда бирдан радиодан сунгги ахборот эшитилиб қолса бўладими? Ахборотда Украинанинг пойтахти Киев шаҳри душмандан озод қилингани, Киев шаҳрини озод қилиш учун олиб борилган жанглarda мен хизмат қилган қисм ҳам алоҳида намуна кўрсатиб шаҳарга биринчи бўлиб кириб борганлиги айтилган эди. Қувонч устига қувонч бошланди. Лекин мен шу жанглarda дўстларим билан бирга бўлмаганимга афсусланар эдим.

...Орадан анча вақт ўтди. Мен бутунлай соғайиб, яна ўз қисмимга қайтдим.

Бу вақтда қисмимиз Руминияда ҳаракат қилаётган эди.

Руминия немис – фашист босқинчилардан тозалангандан кейин Венгрия, ундан сўнг Чехославакияга ўтдик. Кейин Австрияга ўтиб, Австриянинг маркази Вена шаҳрини душмандан озод қилиш учун олиб борилаётган қизгин жанглr вақтида бошимдан ярадор бўлдим.

Ғалаба кунини Бреславлдаги госпиталда қаршиладим.

Армия сафидан бўшаб келгач,ўзимнинг севимли касбим педагоглик фаолиятимни бошладим.

...Совет Иттифоқи Қаҳрамони Файзулла Йўлдошевнинг бошидан кечирганлари шундай.....

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев.
Тинчлик ва хотира — халқ маънавияти асоси. — Тошкент, 2020.
- 2.Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи материаллари. “Хотира ва кадрлаш” зали экспозициялари.
3. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари ҳақида маълумотлар. — Тошкент, 2019.
4. Мардлик мангулик I – қисм .Адҳам Раҳмат. Тошкент Ўзбекистон .1970